

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги  
Жамоатчилик кенгаши йиғилиш

**БАЁНИ**

Тошкент шаҳри

№ 1

2022 йил 24 январь

**Йиғилишга раислик қилди:** Лутфулла Мухаммадназаров, *Кенгаш раиси*

**Иштирок этдилар:** Шухрат Суюнов- *Кенгаш раиси ўринбосари*  
Жамоатчилик кенгаши аъзолари (рўйхат  
бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўртасида вазифалар тақсимоти ва унинг ижросини муҳокама қилиш.

2. Жамоатчилик кенгашининг 2022 йил учун мўлжалланган иш режаси ва ундаги белгиланган вазифаларнинг ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш.

Йиғилишни Жамоатчилик кенгаши раиси Л.Мухаммадназаров кириш сўз билан очди. 2022 йилнинг январь ойида Жамоатчилик кенгаши аъзолари билан муҳокамалардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўртасида вазифалар тақсимоти ҳамда Жамоатчилик кенгашининг 2022 йил учун мўлжалланган иш режаси тасдиқланганлиги тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишда кенгаш раиси ўринбосари Ш.Суюнов сўзга чиқиб, Жамоатчилик кенгаши аъзоларини вазифалар тақсимоти билан таништирди. Ҳар бир аъзо ўзига белгиланган вазифани бажаришга масъул эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, иш режаси бандма-банд муҳокама қилинди. Унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бажарилган ишларни кенгаш аъзолари иштирокидаги йиғилишларда муҳокама қилиб боришга келишиб олинди.

Кенгаш аъзолари Р.Шаропов, Х.Лапасов, Т.Долиев, М.Икромов ва сўзга чиқиб, ўз таклифларини билдирдилар.

**Йиғилиш қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўртасида вазифалар тақсимоти ва Жамоатчилик кенгашининг 2022 йил учун мўлжалланган иш режаси тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кенгаш аъзолари мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини ўз муддатларида бажарилишини таъминласин.

3. Кенгаш раиси ўринбосари Ш.Суюнов биринчи ярим йиллик якунида иш режасининг бажарилиши тўғрисида таҳлилий маълумот киритилишини таъминласин.

*Йиғилиш баённомасини*

*расмийлаштирди:*

Кенгаш котиби:



**А.Хайитов**

